

“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларига

“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиши 2022 йил 29 апрель куни соат 11:00да Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси,

1-уйда жойлашган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биносида бўлиб ўтади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Жамият кузатув кенгашининг ваколат доираси” деб номланган 75-моддасида Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш киради.

Кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартиби:

1	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
2	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижроия органининг 2022 йил биринчи чорак яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қўшимча материаллар ва маълумотлар билан Кузатув кенгашининг йиғилиши ўтказиладиган кунга қадар Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биносида иш кунлари соат 10:00дан соат 17:00гача ёки жамиятнинг 78-150-10-30, 78-150-50-90 телефонлари, www.clangren.uz расмий веб-сайти, www.clangren@bk.ru электрон манзил орқали танишиш мумкин.

Ижро органи

